



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227¹-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 апрелда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 майда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жазоларнинг мутаносиблиги принципи акс эттирилганлиги муносабати билан солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жавобгарликни янада либераллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига фискал ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қўлланиладиган молиявий санкциялар миқдорлари камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, мазкур ҳуқуқбузарликлар биринчи марта содир этилганда жарима миқдори охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг икки фоизини, ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда эса унинг йигирма фоизини ташкил этади.

Ушбу Қонун солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни янада мақбуллаштиришга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар) **227¹-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш, шунингдек товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш –

реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг икки фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг йигирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2024 йил 29 май
№ ЎРҚ-927